
АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Риштон тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбарияти томонидан, Маҳалла фуқаролар йиғинида, 4 та сектор кесимида, ҳудудидаги МФЙ раислари иштирокида семинар ўтказиб келинмоқда. Семинар доирасида, маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ва олиб борилган ободонлаштириш ишларини ўрганиш мақсадида мавжуд кўчаларга МФЙ раислари юборилган бўлса, бўлим мутахассислари томонидан, МФЙдаги хужжатларнинг юритилиши ва улардаги йўл қўйилган камчилик ҳамда мавжуд муаммолар ўрганилмоқда. Амалий тарзда ўтган семинарлар Хўжа-Илғор ва Чинигарон МФЙларда бўлиб ўтди. Ўтказилган ушбу семинарларда, бўлим бошлиғи М. Бекмирзаева, унинг кексалар бўйича ўринбосари Т. Абдурахмонов ва бўлим мутахассис ходимлари томонидан, иштирокчиларга ўрганувда аниқланган камчилик ва муаммолар юзасидан, ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида кўрсатма ва таклифлар берилди. Семинарлар давом этмоқда.

2022-03-03 06:02:59